КОРХОНАНИНГ БУГУНГИ КУНИ — 3-бет
КИТОБ — МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ — 4-5-бетлар
ЯХШИДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАДИ — 6-бет
МАҚСАД — КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ — 7-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 183 (10.231) / 2004 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсин.

2. 1977-1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг октябрь- ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли тўлдирилишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ғ.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ.Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаб чақирилувчиларнинг сифатли, ҳар томонлама ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, чақирув комиссияларининг ишига турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилишини, муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этсин.

Давоми 2-бетда.

## ЯДРО ҚУРОЛИНИНГ ТАРҚАЛМАСЛИГИГА ҲИССА

**9 сентябрь куни Ўзбекистондан Россияга фойдаланилмаган ядро ёқилғиси жўнатилди. У келгусида ядро куроллари ишлаб чиқаришда яроқсиз ҳисобланмиш паст бойитилган даражага келтириш мақсадида қайта ишланади.**

Ушбу ёқилғини жўнатиш Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ва АҚШ энергетика вазирлиги кўмагида бажарилди.

Ядро материаллари қайта ишлаш учун Россиянинг атом энергияси Федераль агентлигининг илмий-тадқиқот институтига етказилди. Бу агентлик ядро материалларини ҳимоя этиш, назорат ва ҳисоб-китоб қилиш Америка-Россия Дастури доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда АҚШ билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида фойдаланилмаган ядро ёқилғисини Россияга қайтарган дастлабки давлат бўлди. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳукумати республика Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот ядро реакторини паст бойитилган уранга ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Бу ўз навбатида ядро қуролини тарқатмаслик бўйича халқаро ҳаракатларга кўмаклашганликдан далолатдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ Президенти маъмуриятидан қуйидаги мактуб келди.

***Муҳтарам Президент КАРИМОВ,***

***Сизни ва Ўзбекистон ҳукуматини Президент Жорж Буш номидан таҳдидларни камайтириш Глобал ташаббуси доирасида юқори бойитилган уранни Россия Федерациясига қайтариш борасидаги лойиҳани амалга ошириш бўйича мислсиз ҳиссангиз муносабати билан табриклайман.***

***Ўзбекистоннинг мазкур саъй-ҳаракатлардаги ҳамкорлиги бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, чунки бутун жаҳонда тадқиқот реакторларида юқори даражада бойитилган урандан фойдаланиш амалиётини тугатишга интилмоқдамиз.***

***Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз юқори даражада бойитилган уранни хавфсиз ва ишончли сақланиши, шунингдек ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун қайта ишланишини таъминлашга кўмаклашади, бу эса нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳамда бутун жаҳон хавфсизлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.***

***Шунингдек, мен Сизни ишлатилган ёқилғини Россияга қайтариш борасидаги илк эксперименталь лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистоннинг етакчи роли билан ҳам табриклашни истардим. Сизнинг бу қарорингиз бошқаларга ҳам шу каби саъй-ҳаракатларни амалга оширишга ундайди.***

***Яна бир бор Сизнинг хавфсиз ҳамда муваффақиятли тадбирни амалга оширишдаги мислсиз саъй-ҳаракатларингизни олқишлайман.***

***Яқин келажакда ишлатилган ёқилғини жўнатиш борасида Сиз билан биргаликда иш олиб боришни сабрсизлик билан кутиб қоламиз.***

***Эҳтиром билан***

***Кондолиза РАЙС,***
***АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси.***

*«Жаҳон» АА*

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**Кеча Сиёсий тадқиқотлар марказида «Оммавий ахборот воситаларида сайловларни ёритишда халқаро тажриба» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда икки палатали парламентга сайлов ўтказишда халқаро меъёрлар, АҚШ сайлов қонунчилиги хусусида фикр юритилди.**

**• Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов кампаниясининг боришини изчил ҳамда кенг ёритиш мақсадида вилоят сайлов комиссиясининг матбуот маркази ташкил этилди.**

**• Кеча «Экосан» халқаро жамғармасида ўтказилган давра суҳбати «Психоэкология ва терроризм» мавзуига бағишланди. Иштирокчилар мамлакатимизда психоэкология фанини ривожлантириш бўйича таҳлилий гуруҳ тузиш зарурлигини таъкидладилар.**

**• Фарғона туманидаги «Фарғона» ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома-режасини бажарди. Мавжуд 335 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.**

**• Ғузор туманидаги «Орзиқул Бўри бобо» фермер хўжалиги пахтакорлари давлатга пахта сотиш бўйича йиллик топшириқни бажардилар. 24 тонналик барча ҳосил биринчи навда қабул қилинди.**

### Жаҳонда

**• БМТ ва Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссиянинг фикрига кўра, Афғонистонда 9 октябрга белгиланган Президент сайловларида мавжуд кучлар билан сайлов участкаларида хавфсизликни таъминлаш жуда қийин бўлади.**

**• Эрон ўтган шанба куни МАГАТЭ томонидан қабул қилинган натижасидан ядро қуролини тайёрлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган уранни бойитиш бўйича ишларни тўхтатишга чақирувчи резолюцияни рад этди.**

**• Гаити оролида «Жанна» тўфонининг кутуриши натижасида 556 киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб кишилар турли даражада тан жароҳатлари олган ва бедарак йўқолган. Шу сабабдан Гаити республикаси Бош вазири Жерар Латортю мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди.**

**• Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг баланд бино қурилмоқда. «Дубай минораси» номли ушбу бинонинг баландлиги 600 метрни ташкил этиши мўлжалланмоқда ва унинг қурилиши 3 йил давомида амалга оширилади.**

**Ўзбекистоннинг спорти ривожланган мамлакат сифатидаги шуҳрати тобора мустаҳкамланмоқда. Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларидаги қўлга киритилган иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медали ҳам шундан далолат беради. Олимпиадада қатнашган 202 мамлакат орасида умумий ҳисобда мамлакатимиз 34-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, ўзбекистонлик спортчилар ўртасида жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, бошқа халқаро турнирларнинг ғолиблари жуда кўп.**

## ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТГА ТЎПЛАНАДИ

Шу сабабли нафақат Ўзбекистон, балки Осиёда биринчи марта бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг босқичи — «Шарқ гўзали-2004» турнирини Тошкентда ўтказишга қарор қилингани бежиз эмас. Мусобақа 28 сентябрдан 2 октябрга қадар «Ўзбекистон» спорт мажмуи — пойтахтимизнинг энг яхши спорт майдонларидан бирида бўлиб ўтади. Турнирни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси ташкил этди.

Бизнинг гимнастикачиларимиз жаҳон спорти тарихига ўз номларини киритишга муваффақ бўлишган. Чунончи, Жаҳон кубогининг Тошкентдаги босқичида Ўзбекистондан тўрт таниқли гимнастикачи қатнашади. Улар орасида халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева ва Анастасия Берестецкая бор. Олеся бу йил Осиё чемпионатининг бронза медали соҳиби бўлди, Анастасия эса 2002 йилда Осиё ўйинларида фахрли бешинчи ўринни эгаллади. Мусобақа ташкилотчилари истиқболли гимнастикачи Рита Алимовага катта умид боғлашмоқда. У сўнгги пайтларда Москвадаги Олимпия тайёргарлиги марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Ирина Винер қарамоғида ўз маҳоратини оширмоқда. Ўтган йили бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Екатерина Бабурина ҳам «Шарқ гўзали-2004» турнирида муносиб қатнашиши кутилмоқда.

Давоми 2-бетда.

№ 183 (22.09.2004)
Тошкент оқшоми 5

**Ёш авлодни ватанпарварлик, ўз миллатига садоқат руҳида тарбиялашни устувор вазифа деб билар эканмиз, ушбу жараёнда улар қалбида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз билан ғурурланиш, уларни кўз қорачиғидек асрашдек туйғуларни камол топтиришга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим бўлади.**

*Муносабат*

# ЯХШИ ЛИБОС — ҲУСНГА МОС

Шарм-ҳаё, — деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, — кўпроқ ёшликка хос деб қаралиб келинади. Ёшларни аввало уларнинг шарм-ҳаёси учун мақтаймиз ва севамиз.

Каттадир-кичикдир ҳаё эътиборсиз қараладиган нарса эмас. Чунки ҳаёсизлик кўп фожеаларни келтириб чиқаради. Ҳурматли олимимизнинг ушбу фикрларига тўла қўшилган ҳолда ҳозирги пайтда аксарият ёшларимизда ҳаё тушунчаси, унинг мезонлари «янгича» кашф этилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шу мақсадда энг аввало кийиниш маданиятига тўхталишни лозим кўрдик.

Кийиниш маданиятида кишиларнинг ички маънавияти, ички дунёси, диди, фаросати, қолаверса эътиқоди ўз ифодасини топади. Кишининг кийими унинг кўрки ҳисобланади. У инсоннинг ўзлигини намоён қилишда муҳим бир воситадир.

Хўш, ҳозирги ёшларимиз, шунингдек, уларга ўзининг ички маданияти ва маънавияти билан ўрнак бўлиши лозим бўлган айрим ўрта яшар кишиларимизнинг кийиниш маданияти ҳозирги кунда қандай? У миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз талабларига жавоб бера оладими? Биз юқорида қайд этиб ўтган шарм-ҳаё талаблари, мезонлари унда мужассамми?

Тўғрисини айтадиган бўлсак ҳар доим ҳам эмас!

Маълумки, инсоннинг ҳақиқий моҳияти фақат ташқи кўриниши, яъни унинг қадди-қомати, юз-кўзидагина эмас, балки ўзига муносиб деб топиб талаган либосида ҳам намоён бўлади. Бундан ташқари инсоннинг кийимбоши кишининг ички дунёси, маънавияти, дид-фаросати, унинг муайян руҳий ҳолати, характерини ҳам ифодаловчи муҳим воситадир. Тўғри, кийим танлаш ҳар бир инсоннинг шахсий иши. У бунга ўзининг ички ва ташқи имкониятлари, қолаверса хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда ёндошади. Бундан ташқари «Диддлар тўғрисида баҳслашиб бўлмайди» деган гап бор. Аммо бу инсон кўнгли тусаганини қилавериши мумкин, деган тушунча эмас. Чунки жамоатчилик, жамоатчилик фикри деган залворли тушунчалар ҳам бор-ки, инсон жамоатда яшар, кишилар билан мулоқотга киришар экан, у билан ҳисоблашмасликнинг асло иложи йўқ. Шу нуқтаи назардан қараганда кейинги икки-уч йил мобайнида ёшларимиз, аввало, қиз-жувонларимизнинг кийинишида юз бераётган салбий ўзгаришларга муштарийларимизнинг эътиборини қаратмоқчи эдик.

Кўча-куйда, транспортда кўзингиз тушган, тушаётган бўлса ажаб эмас. Аввалига ёш қизларимиз, эс-ҳушини таниб олган ўрта яшар жувонларимиз калта юбка, олди меъёрдан-да кўпроқ очиқ кофта кийиб, жамоатчиликнинг «этини ўлдириб» боришди. Лоқайдлик ва индамаслигимиз, бефарқлигимиз энди қимматга тушаётганини тан олмоғимиз керак.

Қиз-жувонларимиз кийинишида энди яққол ўзгаришлар кўзга ташланиб қолади. Улар энди шундай либосларни танлай бошладилар-ки (агар уни либос деб аташ мумкин бўлса?!) бу кийимлар уларни ярим яланғоч ҳолда, яъни белларини очиб, тананинг очиқ қисмига турли тақинчоқлар осиб юрганларини кўрсатишнинг имконини яратиб берди.

Баъзи қизларимизни бу қадар беҳаё либосларда юришларига нима мажбур этмоқда? Мабодо сўрасангиз «Ака ҳозир мода шунақа, бу Европа маданияти» деб баланд келиб, Сизни қолоқликда айблашади. Лекин биз бирорта манбада Европада аёллар ярим яланғоч ҳолда юриши мумкин, бу улар учун кўрк, шижоат деган фикрни учратмадик, учратмасак ҳам керак. Бунинг устига шаҳримизга ташриф буюраётган хорижлик аёлларнинг ярим яланғоч либосларда юрганининг ҳам шоҳиди бўлмадик.

Инсон, у Европада яшайдими, Шарқда истиқомат қиладими, барибир инсон, уят, шарму ҳаё деган туйғу ҳамиша ошна бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади!

Кишининг танасига ёпишиб турадиган, унинг бутун ички борлиғини намойиш этадиган ёки бошдан пастки қисмини «кўз-кўз» қилувчи кийимлар фақатгина яхши тарбия кўрмаган эътиборсиз қизлар ва ана шундай жўяли тарбия олмаган айрим ота-оналарга хосдир. Ҳаё, иффат, уят руҳида тарбияланган қиз-жувонлар бундай кийимларни кийишни ўзларига эп кўрмайдилар. Уларнинг шуури, онгини шарқона шарм-ҳаё, уят бошқариб туради.

Шу ўринда никоҳ куни келинчакларимиз киядиган либослар тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш жоизмикан, деган фикрни ўртага ташламоқчимиз.

Сир эмас, ҳозир бўлажак келинчакларимиз тўй куни киядиган либосларини оналари, дугоналари ёрдами ва маслаҳати билан танлашади. Танлаб-танлаб ўзга миллатга хос бўлган, қимматбаҳо сарупога тўхталишади. Ушбу никоҳ либоси фақатгина бир кун, у ҳам бўлса тўй оқшомида кийилиб, кейин ижарачига қайтариб берилади. Ижарачининг энг арзон нархи эса 80 минг сўмдан юқори! Шунинг ўрнига тўйга мос миллий либос кийилса, меҳмонлар ёки куёв бола келинчакнинг либосидан хафа бўлиб аразлайдими?

Ҳозир моданинг «шуҳрати» шу қадар баланд-ки, энди унга ёш-у қари эргашишга интилмоқда. Бу ҳол айниқса ўрта мактабдан тортиб то турли хилдаги ўқув масканларида сабоқ олаётган қизларимизда аниқ намоён бўлмоқда. Айрим қизларимизнинг «ғалати» кийимлари дарс вақтида синфдош ва гуруҳдаги ўқувчи-талабаларнинг эътиборини ўзига тортади, фикрларини ўқишдан чалғитади. Кўпинча ўқувчи ёки талаба йигитнинг кўзи ва ҳаёли дарс тушунтираётган ўқитувчи ёки домлада эмас, ён-верида ўтирган «ғалати» кийимли қизларда бўлиши ҳам ҳозир оддий ҳолга айланиб қолди.

Ана шуларни мулоҳаза қилар эканмиз, бир вақтлар мактаб ва ўрта ўқув юртларида жорий қилинган ўқув формасига қайтишнинг вақти етмадимикан, деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлаверади.

Ўқув формалари энг аввало ўқувчилар орасида табақаланишни юзага келтирмайди. Маълумки, пулдорнинг боласи башангроқ, моддий ёрдамга муҳтож оиланинг болалари эса одмироқ кийинади. Башанг кийинган ўқувчи ёки талаба одмироқ кийинган тенгдошини менсимайди, бу эса камситилган ўқувчи руҳининг тушишига, унда пулдор бўлмаган ота-онасига нисбатан «исёнкорлик» руҳининг уйғонишига сабаб бўлади.

Ўқувчи-ёшларимиз албатта замонавий кийинишлари лозим. Лекин кийиниш маданиятининг шарқона фазилатларини ҳам ёддан чиқармасликлари, шарқона шарм-ҳаёни йўқолишига йўл қўймасликлари лозим.

Гап миллий либослар, шарқона шарм-ҳаё устида борар экан, ҳозирги пайтда йигитларимиз, ўрта яшар эркакларимизнинг жамоат жойлари, транспортда калта шим — «шортик» кийиб юришлари кишиларнинг ғашини келтираётганига тўхталиб ўтмоқчи эдик.

Қаранг, ўзбек қизларимизни тор шим кийишларини қийинчилик билан бўлса ҳам «ҳазм» қилиб турган чоғимизда ҳурматли эркакларимиз бирданига шимдан воз кеча бошладилар. Кўча-куйда ана шундай «чала» либосда юрувчи йигитлар, ўрта яшар эркакларимиз ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетаётгани ачинарли ҳолдир...

Биз муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянувчи жамиятни барпо этувчилар эканимизни сира ёддан чиқармаслигимиз зарур ва шарт.

**Шавкат ЁҚУБОВ**



**Китоб — маънавият сарчашмаси. Билимлар хазинаси бўлган китобларни ёшликдан қизиқиб ўқиган, ундан маъно дурларини терган киши келгусида албатта маънавияти, маданияти юксак комил инсон бўлиб етишади. Бугунги кунда шаҳримизда жами 106 та кутубхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу кутубхоналарда доимо китобсеварлар учун қизиқарли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келинади. Китобга ошно кўнгиллар албатта бу кутубхоналардан турли хилдаги ўзларига керакли бўлган адабиётларни олиб ўқишлари мумкин.**

**СУРАТДА: Республика болалар кутубхонаси доимо китобсеварлар билан гавжум.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

# Маънавият — ақл кўзгуси

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, «Навоийни тўлиқ маънода меҳр-мурувват куйчиси десак бўлади». Навоийни бутун умри давомида ҳаяжонга солиб келган жиддий масала — инсон бахти-саодати ва маънавий баркамоллигидир. Зеро, маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

Навоийнинг қолдирган мероси, ҳикматли сўзлари бугунги куннинг долзарб масалаларига — меҳр-мурувватга тўлиқ жавоб беради.

**Одами эрсанг демагил одами,**
**Оникм йўқ халқ ғамидин ғами.**

Бу ҳикматнинг ёзилганига беш асрдан зиёдроқ вақт ўтди. Яна беш, ўн аср ўтгач бу буюк фалсафий мисраларни эскириб қолади деб ким айта олади.

Токи одам, одамийлик бор экан бу сатрлар мавжуддир, уларнинг умри боқийдир. Инсон камолоти ва жамият равнақи йўлидаги энг хавфли тўсиқ нафс балоси эканлигини Навоийдан ўтказиб такомилига етказиш мушкул. Устоз Навоийнинг талқинича нафс амрига қул бўлган ғофил бандаларда ҳеч қачон руҳий осойишталик бўлмайди. Улар нафс хирсидан хароб бўладилар.

Доно халқимизда шундай ҳикматли иборалар бор:

«Менинг нафсим балодир, не қўйларга солодир».

«Хом терини ошласанг ултон бўлур, нафсини тийган киши султон бўлур».

Улуғ алломанинг асарлари, фалсафий ва ижтимоий қарашлари бугунги кунимизнинг муаммоларига лаббай деб жавоб бермоқда.

*Қадриятларимиз*

## МЕҲР-МУРУВВАТ — УЛУҒ ФАЗИЛАТ

**Баркамол инсонга хос хусусият — бу сахийлик, олийҳимматлилик, инсонпарварликдир. Президентимиз ташаббуслари билан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги барчамизни қувонтирди. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳазрат Навоий ғояларига ҳам ғоят мосдир.**

Навоий эл орасида танилди. Уни халқ олийҳикмат, етук инсон, фазилатлар макони, халқ чироғи, кўнгиллар малҳами ва ҳаёт бўстони деб атайди.

Яхши инсонлардан яхши ном қолади албатта.

Ўтмиш саховатпешалари етим-есирларга кийим бош берганлар, озиқ-овқат тарқатганлар, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлганлар, маблағ ажратганлар, закот берганлар.

Сахийлик шундай улкан неъматки, у туфайли инсон маънавиятли бўлиб камол топа боради. Маънавиятли шахс ҳимматли, хокисор, камтар бўлади. Сахийлик инсон учун фақат яхшилик ва омад келтиради. Сахийлик саломатлик гаровидир. Меҳр-мурувват йилида ўзига баҳазур, имконияти бор оилалар ногирон, якка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ўзгалар ёрдамига муҳтож беморларга меҳр-мурувват кўрсатсалар уларнинг омади юришади, обрўйи зиёда бўлиб ишлари бароридан келади.

Хайр эҳсонни аввало ўз яқин қариндош-уруғларига, қўни-қўшнига ва бошқаларга бериш лозим. Азизлар, дунёда энг катта бахт ва қувонч одамларга кераклигинг ва яқин бўлишдир.

Худо берган ақлни ўз ўрнида ишлатиб, гўзал ва ноёб фазилат — Меҳр-мурувватли, саховатли қалб эгаси бўлайлик.

**Нафиса ҚОДИРОВА,**
**Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси.**

*Мулоҳаза*

# КИТОБ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Ҳа, бу сўзнинг тагида бир олам маъно борлигини кўп китоб мутолаа қиладиганларгина тушуниб етадилар. Ҳозирги техника тараққиётининг ривожланиши, яъни радио, телевидение, интернет тармоқларининг тўхтовсиз юксалиши жараёнида ёшларимиз китоб мутолааси билан шуғулланаяптимиканлар?!

Бунга жавобан минг афсуслар билан «жуда кам» деган сўзлар билан чегараланиб қоласан.

Дарс жараёнларида оддийгина «самара» ёки «чегириш» сўзларининг маъносини тушуна олмасдан, масхарабозлик қилиб ўтирган айрим ўқувчиларни кўриб «Ватаннинг келажаги сенинг ҳам қўлингдаку болажон» дея ачиниб кетасан. Келажак авлод доно, билимли бўлиши Ватан равнақи эмас-ми?

Бунинг учун ўқиш, изланиш, ўз устида ишлаш керак. Ҳар қандай муаммонинг ечими, инсоннинг содиқ дўсти китоб. Китоб ўқиш, фикр қилиш, юксак маданиятли, ҳаётнинг беқиёс ганж-хазиналарини ўрганиш эмасми? Хўш, бу хазиналарни эгаллашга нима тўсқинлик қилмоқда? Вақтнинг етишмаслигими? Китоблар нархининг қимматлигими? Ўзбек тилидаги бадиий китобларнинг камлигими? Йўқ, астойдил хоҳлаган одам ҳаммасига эришади. Менинг фикримча, бунга сабаб боланинг китоб ўқишга ёшлигидан одатланмаганлигидир.

Агар бола ўз уйида ота-онасининг бўш вақтида китоб мутолаа қилаётганини кўрса бу унинг ҳам китобга интилишини, қизиқишини орттиради. Бунга қўшимча ўша ота-она ижобий қаҳрамонлар ҳаётидан уни қутқарадиган муаммоларни мисол тариқасида сўзлаб берса, бола албатта қизиқади, давомини кутади, ўзи ҳам ўқийди.

Узоқ йиллик педагоглик фаолиятимда шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, бир гуруҳда 30 ўқувчи бўлса, шулардан 3-4 тасинингтина қўлида газета ёки китобни кўриб қоласан, у ҳам бўлса ўқитувчи ёки зиёли оилалар фарзандлари. Чунки ўша уйда китоб ўқилади, китоб ўқиган ўқувчининг муомала маданияти бошқалардан ажралиб туради. Ахир бундай шароитни ҳар бир оила хонадонда яратиш мумкинку?

Қолаверса, ёш авлод билим олаётган мактаб, коллеж, олий ўқув масканларида ўқувчиларнинг вазифалари, бурчларига хос бўлган тартиб-қоидалар акс этган алоҳида бурчак ташкил қилиниб, ўқувчилар диққатини жалб қилиш орқали яхшироқ натижага эришиш мумкиндир.

Китоб мутолаасининг уйдан кейинги босқичи мактабдир. Бу масканда ҳам бадиий адабиётларни уйда ўқиш тавсия қилиниб, китоб қаҳрамонлари бўйича давра суҳбатлари, баҳс мунозаралар ташкил қилиш керак.

Коллежнинг ҳафтада ўтказиладиган синф мажлислари ва маънавият дарсларида I-II-III босқичлари бўйича мавзуларнинг долзарблиги, savo-бу гуноҳ, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат каби ноёб қадриятлар бўйича тушунтириш, савол-жавоблар ўтказилиши, самарали натижа беради.

Интернет тармоғининг жаҳон бўйлаб кенг ривожланганлиги жуда яхши, лекин ўз халқи маданий меросини ҳам чуқурроқ ўрганиш учун китобдан ортиқ хазина йўқдир. Шу Интернет тармоқлари, компьютерлардан фойдаланувчи ёшлар айрим қолипга сиғмайдиган киноларни кўриб, ўзига бошқача маданият касб этаётганлари ҳам сир эмас. Бир сўз билан айтганда инсон қайси касбда, қандай мансабда бўлса ҳам, кўп китоб ўқиса у киши жаҳолатдан ва разилликдан йироқ бўлади.

Буни биз ёшларимиз онгига жуда ёшлигидан сингдириб боришимиз керак.

**Робия ЭШОВА,**
**Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.**

*Тадбирлар*

# АДИБ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

**Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида ўткир қалам соҳиблари орасида моҳир ёзувчи, ҳикоянавис сифатида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб ҳисобланади. Ёзувчи қаламига мансуб асарлар ҳалигача китобхонлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.**

Яқинда Абдулла Қаҳҳор уй-музейига адиб таваллудининг 97 йиллиги муносабати билан хотирлаш мақсадида унинг яқинлари, дўсту биродарлари, таниқли ёзувчилар, адабиётшунослар ташриф буюришди. Тадбирда иштирок этган халқ шоири Э.Воҳидов, адабиётшунослар И.Ғафуров, Ҳ.Абдусаматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ў.Ҳошимов, П.Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб адиб хотирасини ёдга олишди, унинг оммага маълум бўлмаган қирралари, бой ижодий мероси ҳақида фахрланиб гапирдилар. Шунингдек, А.Қаҳҳор таваллудининг юз йиллиги олдидан қилиниши лозим бўлган ишлар, асарларини нашрга тайёрлаш ҳақида ўз фикр- мулоҳазаларини билдирдилар.

— Таниқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейида ҳар йили таваллуд кунида мана шундай хотира кечасини ўтказиш анъанага айланиб қолган, — дейди А.Қаҳҳор уй музейи ходими Хуршида Ҳамроқулова. — Бундай тадбирни ўтказишни аввало адибнинг рафиқалари Кибриё опа Қаҳҳорова бошлаб берган эдилар. Мана шундан буён бу анъана давом этиб, ҳар йили 17 сентябрь куни севимли ёзувчимизнинг дўстлари, яқинлари йиғилишиб, адиб ҳақидаги хотираларни ёдга олишади. Айтиш жоизки, Абдулла Қаҳҳор ёзувчигина эмас, ўткир публицист ҳам эди. Мақолаларида даврининг муҳим муаммолари қаламга олинган. Бир-икки деталлар билан мавзунинг моҳиятини очиб беришдек хусусият А. Қаҳҳор мақолаларига ҳам хосдир. Шуни айтиш жоизки, ёзувчининг уй-музейи доимо уни билган, таниган дўстлари, шогирдлари билан гавжум. Бугунги кунда музейда таъмирлаш ишлари давом этяпти. Иккита мемориал хона тайёр бўлди. Келгусида уй-музейда турли хил тадбирлар ўтказиш, адиб ижодини чуқурроқ ўрганиш мақсадида баҳс-мунозарали кечалар ташкил қилиш ниятидамиз.

Адиб хотирасига бағишланган тадбирда Ўзбекистон халқ хофизи Ҳасан Ражабий ижросидаги мумтоз куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Ҳамшаҳарларимиз*

# ЗИЁ УЛАШИБ...

**Бахтиёр Вакиловнинг иши ҳам ўзи каби камтарона ва оддий. У кўп йиллардан буён матбуот тарқатиш соҳасида ишлайди. Матбуот тарқатиш Акциядорлик жамиятига қарашли Яккасарой туманида жойлашган 606-матбуот дўконида сотувчи. Одамларга эзгулик, зиё улашиш, уларни янгиликлардан воқиф қилиш, шу йўл билан кўпчиликнинг оғирини енгил қилиш — Бахтиёр аканинг шиоридир.**

— Мен 1968 йилдан бери шу соҳада ишлайман. Ҳар ҳафтада дўконимизга 175 номдаги газеталар ва турли журналлар келтирилади. Матбуот нашрларига обунани ҳам шу ерда расмийлаштирамиз, — дейди Бахтиёр Вакилов. — Булар кўзга оддийгина иш бўлиб кўринади. Билмаганлар «Пашша қўриб, чой ичиб ўтиради, шуям иш бўптими?» дейиши мумкин. Аслида, бунинг ҳам ўзига яраша машаққати, масъулияти бор. Кимки китоб, газета-журналларни кўп ўқиса, унинг маънавияти юксак, дунёқараши кенг, маданиятли бўлиб, бундай кишилар ҳеч кимга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Ўқимишли, зиёли кишининг бировга ёмонлик қилганини ҳеч кўрганмисиз? Ундай кишиларда бир-бирларига меҳр-оқибат кучли бўлади. Шуларни назарда тутиб, ҳар куни эрталаб соат олтидан то кеч еттигача одамларга зиё улашишга ҳаракат қиламан.

Бугунги кунда ҳамшаҳарларимиз республикамиз ҳаётига оид сўнгги янгиликлар, қонун ва қарорлар, кўпчиликни қизиқтирадиган, ўйлантирадиган, бирор бир мушоҳадага ундайдиган мақолалар босилган газеталарни дарров олишади. Масалан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Ҳуқуқ», «Даракчи», «Тошкент оқшоми» каби қизиқарли газеталар, шунингдек, бошқотирма ва кроссвордлари бор газеталар тез сотилади.

Бизга Тошкент давлат педагогика университети яқин бўлгани учун мижозларимизнинг аксарияти профессор-ўқитувчилар, талабалар. Баъзан диплом ёки курс иши ёзаётган ёшлар бирор мавзуга оид материаллари бор газеталарни сўраб келишади.

— Кейинги пайтларда янги газеталар ҳам кўпайиб кетяпти...

— Кўпайгани яхши, албатта. Сотилса яхши, сотилмай қолгани ёмон. Биламан, газетанинг иши анча машаққатли, оғир, уни чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Шунга яраша мақола ва материалларнинг нуфузи бўлиши керак-да. Қоғоз масаласи катта муаммо дейишади-ю, қоғозни исроф қилишганига баъзан ачинаман. Қоғоз қиммат, устига устак четдан келтирилса, бўлар-бўлмас газеталарни чиқараверишкерак эмасда. Одамларга керакли газета бўлса, ўзлари қидириб топиб олишади. Шундай газеталар борки, ҳафта-ўн кун чанг босиб ётади, кейин қайтариб юборишга тўғри келади. Одамлар газетани ундан ниманидир ўрганиш, бирор янгилик олиш учун харид қилишади. Қайтариқлар, янгилик бермайдиган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлмаган мақолалар босилган газетанинг кимга кераги бор? Ҳар ҳафта 1 миллион 700 минг сўмлик газета олиб келамиз. Шундан 180-200 минг сўмлиги сотилмай қайтарилади. Баъзи газеталар юзталаб келади, қолмайди, баъзилари 2-3 та бўлса ҳам ҳеч ким сўрамайди.

— Қандай таклифларингиз бор?

— Кўп қаватли уйларда сут-қатиқ сотувчилар ва бошқалар эшик қўнғироғини чалишиб, кишиларни тинимсиз безовта қилишади. Ёки ширкатдан иссиқ ёки совуқ сув, газ, электр ҳақини, солиқ тўлаш кераклигини талаб қилиб келувчилар қанча? Кун бўйи эшик очавериб чарчаб кетасан, баъзан. Лекин бирон бир марта китоб ёки газета-журнал оласизми, деб келувчилар топилмайди. Газета-журналларни ҳам кўп қаватли уйларда тарқатиб юришса яхши бўлмайдими? Шаҳримиз бўйича 300 та матбуот дўкони бор. Менимча бу жуда кам. Айрим аҳоли зич яшайдиган, кўп қаватли уйлар бор жойларда газета дўконлари йўқ. Мисол учун метронинг Ойбек бекати билан Минг ўрик бекати кесишган чорраҳа атрофида қанчадан-қанча кўп қаватли уйлар бор. Аҳоли жуда зич жойлашган. Шу атрофга ҳам битта дўконча жуда зарур деган фикрдаман...

Орамизда ўз касбига меҳр қўйиб, одамларга зиё улашаётган Бахтиёр Вакилов сингари жонкуяр матбаачилар яна ҳам кўпроқ бўлса айни муддао бўларди.

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ! Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади! Ҳунар яширин хазина! Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз гап энг ёмон ҳислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъомэҳсонига таъма кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қораланганлар. Эл орасида бекадр бўлганлар. Касбу ҳунар эгаси таъмадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз кўл меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

● Билгинки, ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай ҳунарманд кини ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

**Кишида бўлмаса**
**фазлу ҳунардан,**
**Ундайнинг сувратдан**
**нима фарқи бор?!**
**Ҳунар дунё тўплаш**
**учун эмасдир,**
**Ўзгалар кўнглини шод**
**қилган такрор!**

● Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга кўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказади.

● Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақ таом яхши.

● Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

● Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир.

● **Ҳикмат.** Киши сахий душмандан сақланганидан кўра хасис дўстдан асраганги яхшидир.

Байт:

**Ҳар кимсада бўлса қабиҳ**
**бир одат,**
**Бу одатни қилар бир**
**куни такрор.**

---

*Хотира уйғонса гўзалдир*

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

**Шундай одамлар бўладики, улар билан учрашув қанчалик кўнгилларни яйратса, улардан жудо бўлиш шунчалик дилларни ҳувиллатиб кетади. Мирпўлат ҳожи Мирсоат ўғлини ҳам ана шундай дилкаш кишилар сирасига киради.**



Мирпўлат ота билан видолашув жуда оғир ва қайғули бўлди. Унинг ҳамюртлари қалбидан бунчалик чуқур жой олиши фақат айтилган жойдан қолмай, маҳалла ва таниш-билишлари даврасини тўлдириб юришидангина эмас эди. У доно ва камтарин инсон, беморлар дардини енгиллатган шифокор ва маслаҳатгўй, каттаю кичикка бир хил муомала қилувчи, виждони пок, тўғрисўз ва садоқатли дўст сифатида маҳаллада, ўлкамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида юзлаб ёру биродарлар орттирган эди.

Мирпўлат Мирсоат ўғли аввало, олижаноб ота эди. У олти ўғлини — (Миразиз, Ҳасан-Ҳусан, Мираъзам, Миразим, Мирвоҳид) элу юрт хизматига камарбаста, комил фарзандлар сифатида вояга етказди. Ҳар чоршанба уларнинг ҳовлиси ўғиллари, келинлар ва набиралари билан тўларди. Отахон фарзандларини тўплаб уларга насиҳат қилар, сабрли, имонли, эътиқодли, меҳнатсевар бўлишга чақирарди. Сабр билан яшаш керак, меҳнат инсонни улуғлайди, жуда кўп балою қазолардан сақлайди, дер эди. У кўпинча: «Сабр-тоқат ва ҳовлиқмай яшаган одамнинг умри ҳаловатли кечади», — деб насиҳат қиларди.

Мирпўлат ота зиёли, нафосат ва санъатни севувчи инсон эди. Меҳмондўстлик унинг учун энг қувончли ва тантанали маънавий эҳтиёж эди.

Унинг санъатга бўлган иштиёқи шахсий уй-музейини ташкил этишида намоён бўлди. Бу уй-музей маҳаллада яшовчи ва бошқа жойдан келадиган томошабинлар учун ҳақиқий санъат масканига айланган. Мазкур музейнинг ичида донишмандлар ўгитидан тортиб, миллий сопол, чинни, мис идишлари ва мусиқа асбобларию, дўстлари тортиқ қилган китоблар, умр солномаси тарзида йиғилган суратлар жамланган. Шунингдек, уй-музейидан А.Абдуллаев, Р.Чориев, Б.Жалолов, В.Бурмакин, Темур Ғолиб сингари Ўзбекистоннинг ўнлаб мўйқалам усталарининг асарлари ўрин олган.

«Яхшидан боғ қолади» деб бежиз айтишмайди. Мирпўлат ота қолдириб кетган маънавият жавоҳирлари унинг зурриёдлари томонидан янада бойитилиб, ундан халқимиз, келажак авлод ҳам баҳраманд бўлади, деган умиддамиз.

**Тилаб МАҲМУДОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

---

**Куз фасли келиши билан Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг кескин ёмонлашуви кузатилади. Бунга асосий сабаб метеорологик жараёнларнинг ўзгариши натижасида вақти-вақти билан кузатиладиган нохуш ҳолат ҳамда шу фаслда хазон, шохшаббаларни, ахлат уюмларини ўзбошимчалик билан ёқиб юборилишидир. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид (СО) ҳамда бир қатор заҳарли (канцероген) моддаларнинг кўпайиши кузатилади. Бу ҳолат инсон нафас олиш органлари ва юрак қон томирлари касалликларининг кескинлашувига, айниқса болалар саломатлигига салбий зарар етказади.**

*Тоза ҳаво — танга даво*

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ!

Айрим туман ободонлаштириш бошқармалари, мактаб, болалар боғчалари, уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарлари, фаррошларнинг ўз ишига совуққонлик, лоқайдлиги пойтахтда экологик мувозанатни сақлаш учун салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади. Шуларни инобатга олган Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хазонларни, ахлат уюмларини ёқишга йўл қўймасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш учун туман хизмат кўрсатиш идораларини жалб қилган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Шунга кўра ҳар бир туман ҳудудида 2-3 компост чуқурлари тайёрланиб, туман эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда корхона, ташкилотларнинг транспорт воситаларини жалб қилиб хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун жадвал ишлаб чиқилди.

Лекин шунга қарамай айрим туманларда қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолатлар юзасидан қўмита нозирлари Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасига асосан фуқароларни 19590 сўмдан 32650 сўмгача, мансабдор шахсларни эса 32650 сўмдан 65300 сўмгача жарима солишмоқда.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда шаҳримизда атмосфера ҳавосига салбий таъсир этувчи хазонларни ёқиш натижасида ажралиб чиқадиган газларни камайтириш учун шаҳримиз туманларидаги маҳалла қўмиталари, маҳалла аҳли, мактабгача таълим ва олий таълим муассасалари, корхона, ташкилот раҳбарлари шу масалага ижобий ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби дарахтлар баҳор ойида кўкариб, барг ёзиб бутун ёз давомида ўзига ҳар хил заҳарли моддаларни, чангларни ютиб ўзидан кислород моддаси ажратади. Шу муддат давомида чиққан чанг ва газлар баргларга ўтириб, ерга хазон бўлиб тушади. Шу сабабдан хазонларни ёқишга йўл қўймасдан уларни ўз вақтида тегишли компост чуқурларига тўкилса, келгуси йили улардан маҳаллий ўғит қилиб фойдаланилади. Бу эса албатта дов-дарахтлар, яшил ўт-ўланлар учун фойдадан ҳоли эмас ва биз бу ишга ҳамшаҳарларимизни чақирамиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

# “ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ”ЛАР

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун таъсис этилган “Ишбилармон ўқувчи” стипендияси совриндорлари аниқланди.**

Ўзбекистон Либерал демократик партияси ҳаракат дастурида ёшларнинг ақлий салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси қошидаги Ёшлар қанотининг ташаббуси билан республика академик лицей ва касбҳунар коллежлари ўқувчилари учун “Ишбилармон ўқувчи” стипендияси таъсис этилган эди. Ушбу стипендияларга номзодларни аниқлаш учун 15 майдан 15 июлга қадар кўрик-танловлар ўтказилди. Танловнинг вилоят, туман босқичларида жами беш минг нафар ўқувчи иштирок этиб, ўзларининг ишбилармонлик ва ташаббускорлик маҳоратларини намойиш этишди. Сўнгги босқичга жами 28 нафар ўқувчи саралаб олинди. Улардан ўн тўрт нафари стипендия соҳибига айланди. Ғолиблар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан биттадан танлаб олинди. Уларга 180 минг сўм миқдорида стипендия ва “Ишбилармон ўқувчи” гувоҳномаси топширилади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

---

*Тадбирлар*

# СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

**Юртбошимиз «...Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди», деб таъкидлаган эдилар.**

Мамлакатимизда бу борада ҳозирда «Соғлом авлод учун» номли иккинчи даражали орден таъсис этилган, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ўз фаолиятини олиб бормоқда. Қолаверса, жойларда шу мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бектемир туман Марказий кутубхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан «Соғлом авлод учун» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда туман Марказий кутубхонаси раиси Зуҳра Бобоева, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раиси Рустам Маматхонов сўзга чиқиб, соғлом авлод камолоти йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, бу борадаги ютуқ ва муаммолар хусусида тўхталиб ўтишди.

Тадбир давомида «Саломатлик — туман бойлик» мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Туманда жойлашган бир қанча маҳаллалар фуқаролари, мактаб ўқувчилари, бошқа соҳа вакиллари иштирокида уюштирилган китоблар кўргазмаси йиғилганларда катта таассуротлар қолдирди, деб умид қиламиз.

Шунингдек, тадбирда 289-мактаб ўқувчилари томонидан концерт дастури тақдим этилди.

**Юлдуз УСМОН**

*Шифобахш ўсимликлар*

## НАЪМАТАК

Наъматакнинг барча хиллари тозаловчи ва суюлтирувчидир, айниқса, унинг гуллари шундай хусусиятга эга.

Қулоқлардаги қуртларни ўлдиради, қулоқ шанғиллаши ва ғувиллашига, шунингдек тиш оғриғига фойда қилади. Ёввойи хилини пешонага чапланса, бош оғриғини босади. Унинг барча турлари бурун тешикларидаги тиқилмаларни очади.

Наъматак томоқдаги ва бодомсимон безлардаги шишлар учун фойдалидир.

## ЗАЙТУН

Зайтун ёғининг ҳамма тури баданни қувватли қилувчи, ҳаракатга мойил қилувчи ва ҳароратни сўндирувчидир.

Зайтун ёғининг эскисини кўз хиралашишига қарши суртма қилинади. Елими кўзга тушган парда, (оқ) ва мугуз қатламининг дағалланишига қарши ишлатилади. Япроғининг шираси кўз ғўлагининг ирғиб чиқишига, кўзнинг мугуз пардаси яраларига ва кўзга тушадиган назлаларга қарши ишлатилади.

## ТОЛ

Тол кулини сирка билан қўшилиб суртилса, сўгалларни кўчиради, кулини сиркага қўшиб суртилса, учуқларни кетказади. Тол, хусусан, унинг барги суякларга бориб етган жароҳатларга қўйиб боғланадиган доридир.

Толнинг гули ва суви бош оғриғини босади. Қулоқдан йирингнинг оқишини даволайди, ҳеч бир нарса тол баргининг сиқиб олинган сувига етмайди. Унинг елими кучсизланган кўзга жуда фойдалидир.

Толнинг суви жигар тиқилмаларига ва сариқ касалига фойдалидир.

## КУНЖУТ

... Кунжутнинг ўзи ёғига қараганда кучлироқдир.

... Кунжут ёғи қизилгул ёғи билан биргаликда (ишлатилса) куйдирувчи бош оғриғига фойда қилади, поясининг шираси эса бошдаги кепакни кетказади.

... Кўз лўқиллашларида ва шишганда ишлатилади... Зиққинафас ва астмада фойда қилади.

... Урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қонни шимилтиради. ... Сочни узайтиради, айниқса, пояси ва баргининг шираси шундай,улар (сочни) юмшатади ва қазғоқни кетказади. Кунжут ёғида миртани қайнатиб ишлатилса, сочни (тўкилишдан) сақлайди. Уларни қувватли ва пишиқ қилади.

... Кунжут меъда учун ёмон, кўнгилни айнатади. Иштаҳани туширади ва тезда тўйдиради. Агар уни асал билан ейилса, зарари кетади.

## СЕДАНА

... Агар уни кечаси сирка билан ивитиб қўйиб эрталаб янчилса ва касалнинг бурнига томизилса ҳамда касал уни ҳидласин учун (бурун) олдига қўйилса, чўзма бош оғриқлари ва юз фалажига фойда қилади.

...сиркага қайнатилгани билан оғиз чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади.

... Седана ингичка гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаб гижжани ўлдиради: бир неча кун давомида киндикка суртиб юрилса, ҳайз қонини юриштиради. Уни асал ва иссиқ сувга қўшиб ичирилса, қовуқ ва буйракдаги тошларга фойда қилади ва уларни чиқаради.

... Осилиб турувчи сўгалларни, ҳолларни, доғни кетказади.

*Таълим масканларида*

# ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Юртимизнинг ижтимоий ривожланишида, маънавий-маърифий юксалишида маданият муассасаларининг ўрни катта. Айнан шундай муассасаларда мустақиллик мафкураси ва миллий истиқлол ғоялари халқ онгига бевосита таъсирчан шаклда сингдириб борилади. Кутубхона, музей ва халқ театрлари, ҳаваскорлик жамоалари кенг омма билан жонли мулоқотда бўлиб, маънавий-маърифий тарғибот олиб борадиган масканлар ҳисобланади.**

Шу соҳадаги мутахассислар эса Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида тайёрланади. Бугунги кунда институтда замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, нафақат ўзбек маданияти, балки жаҳон маданияти тарихи ва назариясини пухта эгаллаган етук мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун аввало «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида янги педагогик технологиялар жорий қилинаяпти.

— Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий компьютерлар талабаларимиз ихтиёрида. Улар учун Интернет тармоғидан фойдаланиш йўлга қўйилган, — дейди Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори Азиз Тўраев. — Институтимиз маданий-маърифий фаолият бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Бу эса бизга катта масъулият юклайди. Чунки дарслик ва ўқув қўлланмалари, услубий тавсияномалар тайёрлаш ва уларни маданиятшунослик бўйича мутахассислар тайёрланадиган бошқа олий ўқув юртларига етказиб бериш ҳам бизнинг жамоа зиммасига юклатилган. Илму маърифат маскани бўлган кутубхоналар учун ҳам олий маълумотли мутахассислар фақат бизнинг институтимизда тайёрланади. Жорий йилда янги «Ижтимоий иш» таълим йўналиши бўйича талабалар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, мазкур институтда Кутубхоначилик ва ахборот тизими, Ижтимоий маданий фаолият, Халқ бадиий ижодиёти, Касбий педагогик таълим каби 7 та факультет фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ фан докторлари, профессорлар, 60 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар, жами 150 дан ортиқ ўқитувчилар мамлакатимиздаги маънавий-маърифий масалаларни илмий жиҳатдан таҳлил этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари С.Мирвалиев, А.Маврулов, Ғ.Жалол, М.Сатторов, К.Расулов ва бошқалар илмий изланишнинг турли йўналишлари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Институтнинг ҳамкорликдаги илмий ишлар дастури амалга оширилмоқда. Фанлар академияси ва тармоқ институтлари билан ижодий ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Булардан ташқари, Германиянинг Штутгарт шаҳридаги олий кутубхонашунослик ва информация мактаби, Гёте институти — Кўмак жамғармаси билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ўқув, илмий-тадқиқот ишларининг такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, Истиқлол йилларида халқаро алоқалар янада мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Франция, Исроил, Россия, Жанубий Корея каби мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Штутгарт университети профессори Кумер кутубхона ахборот фаолиятини бошқарув факультетида дарс бермоқда. Дарвоқе, институт Жанубий Кореядаги Осиё университети федерацияси аъзоси ҳисобланади.

Кутубхоначилик ахборот тизими факультети Халқаро Сорос жамғармаси грантига сазовор бўлиб, 10 та энг замонавий компьютер техникаси билан мукофотланди. Шунингдек, институтда Абдулла Қодирий музейи фаолият кўрсатиб турибди. Ушбу йил адиб таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб, профессор Собир Мирвалиев «Абдулла Қодирий» номли монографиясини нашрдан чиқарди.

Жорий йилда ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган институт жамоаси ишонамизки, ўз зиммасига юклатилган залворли масъулиятни чуқур ҳис қилиб, юртимизда комил инсонларни тарбиялаб етиштиришда етакчи олий даргоҳлардан бири бўлиб қолади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Санъат*

# ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР АСОСИДА

**Академик шоир Ғафур Ғуломнинг асарлари асосида қатор бадиий фильмлар яратилган. «Шум бола» фильми ҳам ҳанузгача қизиқиш билан томоша қилинмоқда.**

«Ёдгор» қиссасининг экран талқини ҳам кино санъати ютуғи бўлди. Истеъдодли кино режиссёр Ҳилол Насимов ушбу асар устида ишлар экан, Ғафур Ғулом ижодий услубига хос йўлдан бориб, яхши картина яратишга муяссар бўлди.

Бу изланувчан санъаткор ўзининг навбатдаги фильмини суратга олиш учун Ғафур Ғуломнинг ҳажвий ҳикояларига мурожаат қилди.

Янги фильмнинг «Афанди ва Азроил» деб номланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Ҳажвий ҳикоялар умумлашмаси янглиғ суратга олинган ушбу постановкадаги бош ролларни кўзга кўринган актёрлар ижро этдилар.

«Ўзбекфильм» студиясида яратилган янги фильмнинг қизиқарли чиқишида истеъдодли бастакор Дони Илёсов ёзган шўхчан мусиқалар ҳам муҳим ўрин тутади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Терроризм чин маънода инсониятнинг душмани бўлиб, бу офатдан азият чеккан халқ, оилалар сони тобора ортиб бормоқда. Шимолий Осетияда бўлиб ўтган мудҳиш воқеа терроризмнинг асл башарасини очиб ташлади.**

*Тадбирлар*

# ТЕРРОРИЗМ — ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ

Даставвал иқтисодий томондан зарар етказаётган қўпорувчилар энг разил, жирканч ишга қўл уришди. Улар жажжилар қалбини жароҳатлашди. Қабиҳ қонхўрлар туфайли ёш, мурғак, беғубор болалар ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-Республика тиббиёт коллежида бўлиб ўтган конференция «Терроризмнинг бугунги хавфи» мавзусига бағишланди. Анжуманда коллежнинг Маънавият ва маърифат масалалари бўйича раҳбар ўринбосари Сожида Қаюмова сўзга чиқиб, Ватан мустақиллиги ва озодлиги, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари-ю тинч ҳаётимизга рахна солаётган терроризм балоси ҳақида, сиёсий фанлар кафедрасининг ўқитувчилари Ҳилола Иброҳимова, Кўклам Дўсимматовлар эса терроризмнинг келиб чиқиши ва оқибатлари, унинг бутун жаҳон узра бугунги кунда глобал муаммога айланганлиги, сайёрамизга катта хавф туғдираётгани, шунингдек, Шимолий Осетияда бўлиб ўтган воқеаларга ҳам тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Барча талабалар Беслан шаҳрида бевақт вафот этганлар хотираси учун сукут сақладилар. I-курс ўқувчилари Жаҳонгир Маматов, Ойбек Усмонов, Азиза Ҳайитова, Муниса Умиджонова ва бошқалар сўзга чиқишиб, терроризмни қаттиқ қораладилар. Барча тенгдошларини аъло ўқишга, илм-маърифатга интилиб, доим огоҳ ва ҳушёр бўлишга чақирдилар.

**Шаҳноза АНДАЕВА.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВА ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

*Спорт*

## ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

**Республикамизда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар бемалол шуғуллана оладиган спортнинг теннис тури тобора оммалашиб бормоқда. Барча вилоятларда замонавий теннис кортлари мавжуд, ҳар ҳафтада бирон-бир қизиқарли мусобақа ўтказиб турилибди.**

Шаҳримиздаги «Тошкент теннис маркази»да болалар иштирокидаги яна бир мусобақа ўз поёнига етди. Беш кун давомида БМТ Кубоги учун ўтказилган мусобақаларда 14 ёшгача бўлган ўсмир ва қизлар ўзаро куч синашишди.

Ёшлар ўртасида теннисни янада оммалаштиришдек хайрли мақсадларни кўзлаб уюштирилган турнирда ўғил болалар ўртасида Ж.Умаров, қиз болалар баҳсида эса Л.Азимова ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишиб, бош мукофотлар билан тақдирланишди.

## ПОЛВОНЛАР КУЧ СИНАШАДИ

**Миллий курашимиз довруғи жаҳонни тутганини спорт ишқибозлари яхши билишади. Турли қитъаларда ўзбек кураши бўйича чемпионатларнинг ўтказилаётганини эшитган мухлисларимизнинг қалби фахр-ифтихор туйғуларига тўлади.**

Полвонлар гўшаси ҳисобланмиш Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри бир ойдан сўнг курраи заминнинг турли нуқталаридан келган курашчилар баҳс юритадиган улкан марказга айланади. Зеро, 28-29 октябрь кунлари Шахрисабздаги «Алпомиш» стадионида ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтса, 30 октябрь ва 1 ноябрда худди шу стадион соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир иштирокчиларини қабул қилади.

Ушбу мусобақаларда шаҳримизнинг энг кучли кураш усталари ҳам иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

Кўп йиллар давомида ҳуқукшунослик соҳасида фаолият юритган қадрдонимиз **Анваржон ПЎЛАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Қариндошлари, дўстлари**

*Каратэ*

## МУСОБАҚА НУФУЗИ ОШМОҚДА

**24-26 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ШАҲРИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН КАРАТЭ МИЛЛИЙ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ**







Шуни айтиш керакки, ушбу нуфузли мусобақалар доирасидаги дастлабки ишлар бошланиб кетди. Хусусан, ўтган куни ҳакамлар семинари бошланди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси Александр Попов бошчилигида уюштирилаётган мазкур анжуманда республикамизнинг турли вилоятларидан келган элликдан ортиқ ҳакамлар ўзаро тажриба алмашиб, каратэ тартиб-қоидалари бўйича ўз билимларини янада мустаҳкамламоқдалар. Мазкур семинар бугун ниҳоясига етади.

— Республикамизнинг барча вилоятларида ҳозирги кунда 50 дан ортиқ каратэ клублари, кўплаб тўгараклар очилган бўлиб, уларда шуғулланувчилар сони 60 мингдан ошиб кетди, —дейди Ўзбекистон Каратэ Миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов. — Бинобарин, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказиладиган Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида ҳам ҳар доимгидек энг кучли ўсмир ва қизларимиз иштирок этишади. Кечадан бошлаб вилоятлардан Кубокда иштирок этувчи терма жамоалар кела бошлади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд вилояти ёш каратэчилари ва мураббийлар шаҳримизда машғулотларни бошлаб юборишди.

Биз турнирнинг шиддатли ва муросасиз беллашувларга бой ҳолда ўтиб, янги-янги номларни кашф этишига ишонамиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МУҲИДДИН ДАРВИШЕВ ҲАНГОМАЛАРИДАН

### НАВРЎЗ КУНИ

Байрам арафасида бошлиқ барча милиционерларни йиғиб, уларга уқтирибди:

— Эртага Наврўз байрами. Ҳамма хушмуомалада бўлиши керак!

Эртаси куни автобус бекатида гавдали бир милиционер турганди, кимдир қаттиқ акса урди.

— Ким акса урди! — жиддий оҳангда сўради милиционер. Ҳеч ким индамади. Акса урган бир онахон экан шекилли, у «Аксириш мумкин эмас эканда бекатда» деб ўйлаб, тескари қараб тураверди.

— Ким акса урди, деяпман!?

Яна ҳеч ким индамади. Бекатдагилар елка қисишиб, милиционерга ҳайрон ҳолда тикилишарди. Шунда ҳалиги онахон, айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, деб милиционерга қараб секингина:

— Ўғлим, мен билмай...

— Соғ бўлинг, онахон! — деди милиционер зўрма-зўраки илжайган ҳолда қўлини чаккасига қўйиб — Соғ бўлинг! Наврўз байрамингиз қутлуғ бўлсин!

### ОТА-БОЛА ЭКАН

Касалхонанинг кўча томонидаги деразасидан икки бемор қараб турганди, икки киши кўчада бир-бири билан сўкишиб ўтиб қолди:

— Аҳмоқ экансан!

— Сен жиннисан!

Бу гапларни эшитиб турган беморлар бир-бирига дерди:

— Буларнинг иккови ҳам соғ эмас экан. Бир-бирини болахонадор қилиб боплашяпти.

— Ҳой оғайнилар! — деди беморлардан бири овозининг борича бақириб, — бўш келманглар! Бирингга арпа, бирингга буғдой! Гиж-гиж.

— Ановиларни қара, бизлардан кулишяпти, ақли паст хўтик! — деди кўчада сўкишаётганларнинг ёши каттароғи.

— Мендан эмас, сен эшакдан кулишяпти! — ўшқирди кичикроғи. Шунда деразадан қараб турган беморлардан бири ҳайрон қолиб, деди:

— Вой ановиларни, бир-бирига бегона десам, ота-бола эканлар!

### ТАКСИЧИНИНГ ҚИЛИҒИ

Кунлардан бир куни руҳий касалликлар шифохонасига текширувчи келди. У дарвозадан кириши билан тузуккина бир кишига рўбарў келиб, ундан сўради:

— Бош шифокорнинг хонаси қаерда?

— Қани ўтиринг, ўзим олиб бориб қўяман, — деди-да, сўнг текширувчининг бир қўлидан ушлаб: «Ғир-ғир-ғир! Ду-дут!» деб бошлаб кетди. Бош шифокор ўтирадиган хона олдига бориб, «Етиб келдингиз, минг сўм тўланг!» — деди. Текширувчи яна у ер, бу еримга тушириб қолмасин, деган хаёлда шоша-пиша ёнидан минг сўм чиқариб берибди. У бош шифокор ҳузурига кириб, бўлган воқеани баён қилибди. Ўшанда шифокор хотиржам дебди:

— Ҳа, уми? У аввал шаҳарда такси ҳайдовчиси бўлган-да!

### СИЗ СОҒСИЗ...

Беморлардан бири касалхона ҳовлисидаги узун дарахт тепасига чиқиб олиб, сира тушмабди. «Кечаси билан қолиб кетса йиқилиб тушмасин», деган ўйда бош шифокор уни қўрқитиб туширмоқчи бўлиб, милтиқ олиб келиб ўшқирибди:

— Қани, туш! Тушмасанг, отаман!

— Отсанггиз отаверинг, тушмайман!

Шу пайт ҳовлида юрган беморлардан бири бош шифокорнинг қўлидан милтиқни тортиб олиб, бақирибди:

— Яхшиликча туш, бўлмаса отаман!

Бу гапдан кейин бемор дарахт устидан апил-тапил тушибди. Шунда шифокор ундан ўпкалаб деди:

— Мен ёлвордим, дўқ урдим тушмадинг, ановининг бир оғиз гапига югуриб тушдинг-а?

Дарахтдан тушган бемор куюниб дебди:

— Ахир, сиз соғсиз, у эса жинни! Унга ишониб бўладими, отса отаверади-да!

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ,**
ҳандапаз




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2756 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. 1 2 3 4 6